

КАШТАДА САБР,МУҲАББАТ, АЁЛ ҚАЛБИНИНГ НОЗИКЛИГИ МУЖАССАМ.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи

илмий ходими: Гўзал Валиева

Каштачилик-игна ичида битилган халқнинг тарихи ва орзуларидир.

Кашта форс тилидан олинган бўлиб, чизилган, тортилган деган маъноларни билдиради. Кашта амалий безак санъатининг кенг тарқалган тури бўлиб, игна билан тикиб туширилади. Қўлда ёки машинада асосан матога тикилади. Каштада турли хандасий шакллар, ўсимликсимон нақшлар, гуллар, ҳайвонлар тасвири акс эттирилади. Каштачилик амалий санъатнинг энг қадимий турларидан бири бўлиб, у халқнинг турмушини гўзал қилиш истаги натижасида юзага келган. Бу ҳунар билан асосан аёллар шуғулланишган. Дастлаб дастурхон, рўмолчаларга солинган кичик-кичик кашталар секин-аста палак, чойшоб, сўзана, зардевор бўлиб шакилланган ва шу тариқа бу санъат тури оммалашган. Ҳар бир хонадонда каштачилик буюмлари сақланган. Қадимий анъаналаримизга кўра қизлар яъни бўлажак келинчақлар сеплари ҳар-қил каштачилик буюмларидан ташкил топган бўлиб, ўз қўллари билан тайёрлашган. Қизларга 7-9 ёшдан бошлаб кашта тикишга ўргатилган. 2-3 йиллар оралиғида мустақил ўзлари кашта тика бошлаганлар. Бу эса албатта қизларнинг оналарига катта ёрдам бўлган. Ҳар бир келинни уйини сўзана, палак, зардевор, чойшобларсиз тасаввур қилиб бўлмаган. «Келинни келганда кўр сепини ёйганда кўр» деган нақл бежизга айтилмаган. Чунки келинлар уйи шу буюмлар билан безатилган. Сеп кўрди деб худди манашу келиннинг ўз қўллари билан бунёд этилган буюмларга айтилган. Қизлар ва аёллар игна, ип, ангишвона ёрдамида бор меҳрларини бериб кашталар тикишган. Вақтларини бекорга сарф қилишмаган. Сабрли, матонатли аёллар доимо меҳнат билан банд бўлишган.

Халқнинг донолиги шундаки анор оила рамзи, қалампирда қўриқлаш тимсоли бор, бодом қут-барака, доира гуллар эса келин-куёвлардир. Асрлар давомида

шаклланган тўй удум-одатларда кашталарда акс этган нақш рамзларига беътибор қарашмаган. Айнан турли ҳилдаги сеҳр тумор кучига эга бўлган бу рамзлар ёш келин-куёвнинг гўшанкасини ёмон кўзлардан асрашга ишонишган. Шу билан бирга хонадонда тўй кети узулмасин деб, сўзанада атайин каштани якунламай бўш қолдиришган.

Каштачилик намуналари авлоддан-авлодга ўтиб бизнинг давримизгача етиб келган. Шулардан сўзана, палак, жияк, чойшоб, тахмонтўш, зардеворлар жамоат жойларини безашда ҳамда музейлар экспозицияларида намойиш этилмоқда. Жумладан Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида ҳам каштачилик буюмлари кўргазмалардан жой олган. Улардан айримларини таништириб ўтсам.

Сўзана Инв147622 КК 19. Акт 12. Ўлчами 201x146см. 19 аср охири 20 аср бошларига оид. Тожик миллий каштачилик иши. Пушти, оқ, сариқ ипларда қўлда кашталар тикилган. Қуёш ва ислимий нусхада бўлиб, айлана атрофига рамка усулида ислимий нақшинкор безак берилган. Орқаси қизил гулли чит билан қопланган. Деворга осиладиган безак буюми бўлиб ҳозирда махсус машина ёрдамида тикилади.



Чойшоб Инв.15299.КК20. Акт 9. Ўлчами: 245x190см. 19-20 асрга оид.

1993 йил 14-сентябрда музейга қабул қилинган. Устун чойшоб таги гулли пушти рангдаги паранг матосидан, четлари қора мағиздан айлантириб тикилган. Қора, кўк, яшил ипларда «капгир» нусхасида кашталари бор. Устун чойшобнинг бош ва оёқ тарафи меҳроб қилиб тикилган бўлиб, қатор айлана ичига зиг-заг ва доира шаклида кашта безаклар ҳамда 12та гуллар тикилган.

Жияк Инв 15732. КК20. Ўлчами 30см. 20 асрга оид. Қора нусхали ўрталарида атир гуллар ҳамда барглар нақши акс этган. Қизил, пушти, сариқ, яшил иплардан фойдаланишган.

Паранжи Инв 5821 КК 12. Акт1476 19аср охири 20 аср бошларига оид. 1978 йил 15 декабрда музейга қабул қилинган. Паранжи қизил бахмал матодан, айлан атрофига қора жияк қадалган. Паранжи жиякларига оқ ипда кашта тикилган. Паранжига паранжи жиягидан ёқа сифатида безак берилиб, жиякдан икки томонига попуқ чиқариб қадаб тикилган. Қадалган жиякнинг айлана атрофига сариқ, кўк ипларда ўсимликсимон нақшлар берилган. Икки ёнига, олд қисмига ва енг учига кашталар тикилган.

Бундай каштачилик буюмлари ўзига хос гўзаллик, нафис безакларнинг ранг-баранглиги билан кишиларни ҳайратга солади. Каштачилик асрлар давомида сайқал топган миллий санъат бўлиб, унда ранглар, нақшлар ва рамзлар орқали халқимизнинг дунёқараши, озу-умидлари ва эстетик диди ифодаланади. Каштада ипак ва игна уйғунлигида миллий гўзаллик намоён бўлади. Каштачилик ҳунари ҳозирги бир кунда ҳам янада ривожланиб сайқалланиб бормоқда. Наманганлик машҳур каштадўзларимиздан бири Рисликхон Жўраева ҳам бу соҳанинг ривожланишида ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Рисликхон ая 1956 йил 11 ноябрда Наманган шаҳрида туғилган. 4-сонли урта мактабни тамомлаб, 1974 йил Тошкент Давлат Университетига ўқишга кирган. 1978 йилда ўқишни муваффақиятли тамомлаб ўқувчи-ёшларга таълим-тарбия берган. 1992 йилдан тадбиркорлик фаолиятини бошлаган. Ҳозирги бир кунда «Санам – Уйчи» ўқув марказида ёшларга каштачилик, тикувчилик каби ҳунарларни ўргатиб, хаттоки айрим ёшларни иш билан таъминламоқдалар. Шогирдлари 500дан ортди.

Меҳнатлари зоя кетмади . Мустақилликнинг 20 йиллиги, «Мўътабар аёл» «Мустақилликнинг 30 йиллиги» кўкрак нишони давлат мукофотлари билан тақдирланган ҳамда 50 дан ортиқ диплом ва сертификатлар олган.

Асосий адабиётлар

- 1.Азизбек Тошпўлатов. Ўзбек каштачилиги тарихи — каштанинг миллий анъаналари, нақшлар ва рамзлар.
- 2.Гулчеҳра Қодирова. Ўзбек халқининг тикувчилик ва каштачилик санъати сабр ва нозик меҳнат сифатлари.
- 3.Муниса Расулова. Каштачиликда аёл меҳнати — аёл қалби нозиклиги ва каштада муҳаббат рамзлари.
- 4.Ш. Худойбердиев. Кашта ва миллий маданият — кашта орқали маданият, меҳр ва сабрни ифодалаш.